

ОШУРО КУНИ

05:00 / 13.03.2017 4097

Ошуро, дегани ўнинчи кун, дегани. Муҳаррам ойининг ўнинчи куни Ошуро номи билан машҳур бўлган. Ал-Ҳакам ибн ал-Аъраж розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Замзам олдида ридоси устида ёнбошлаб ётган Ибн Аббоснинг ҳузурига бориб: «Менга Ошуро рўзаси ҳақида хабар бер», дедим. «Қачон Муҳаррамнинг ҳилолини кўрсанг санаб бор, тўққизинчи куни рўза тутган ҳолда тонг отдир», деди у. Мен: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундоқ қилиб унинг рўзасини тутар эдимилар?» дедим. «Ҳа», деди у». Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ошуро куни рўзасини тутдилар ва у куннинг рўзасини тутишга амр қилдилар. Одамлар: «Эй Аллоҳнинг Расули, бу кунни яҳудий ва насоролар улуғлайдилар», дейишди.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қачон келаси йил бўлса, иншааллоҳ, тўққизинчи кунни ҳам рўзасини тутамиз», дедилар.

Бас, келаси йил бўлмасдан туриб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этдилар». Муслим ва Абу Довуд ривоят қилган.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ошуро рўзасини ўнинчи куни тутишга амр қилдилар». Термизий ривоят қилган ва саҳиҳ, деган.

Бу борадаги ҳадисларни жамлаб ўрганиб чиққан фақиҳларимиз, Ошуро ойининг тўққизинчи ва ўнинчи кунининг рўзаси суннат ҳисобланади, Ошуро кунининг ёлғиз ўзининг рўзасини тутиш макруҳдир, деганлар.